Ушбу сонда:
2 Маҳалланг — отанг, онанг ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР
3 ФИРДАВСМОНАНД БОҒ ёхуд Заҳириддин Муҳаммад Бобур мақбараси хусусида
4 Турмуш чорраҳаларида БЕВАҚТ ЭСГАН ШАМОЛ...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

2002 йил 13 феврал, чоршанба №27 (1244)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИРОДА - КУЧЛИЛАР САФИДА

Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) теннисчиларнинг янги рейтинг жадвалини эълон килди.

Унда америкалик Женнифер Каприати 4825 очко билан энг юқори поғонани эгаллаб турибди. Кейинги ўринларда эса унинг ҳамюрти Винус Уильямс ва швейцариялик ракетка устаси Мартина Хингис турибди.

Жадвалда ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова - 1224 очко билан ҳамон 19-ўринда. Кучли йигирмаликнинг сўнгги поғонасида ўзбекистонлик теннис мухлисларига яхши таниш австриялик Барбара Шетт бормоқда.

(ЎзА).

ОМБУДСМАН ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш йўлида ҳамжиҳат иш олиб бормоқда

Республикамизда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жадал бораётган бугунги кунда касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, касаба уюшмаларининг олий мақсади бўлмиш меҳнаткашларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш Омбудсман фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан биридир. Агар ўзаро кучларнинг бирлигига эришилса, уларнинг ваколатлари ўзаро бир-бирини тўлдирса, янги имкониятлар очилади, пироварднатижада инсоннинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг самарадорлиги ошишига эришилади.

Шу боис, 2000 йилда икки нуфузли ташкилот ўртасида қонунийликни таъминлаш, меҳнаткашлар манфаатларини биргаликда ҳимоялаш ниятида Битим тузилган эди. У ўзининг дастлабки самараларини берди.

Равшанки, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш Омбудсман ҳамда касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу ўта муҳим масалага жиддий ёндошилмоқда. Чунки, хат ортида инсон тақдири ётади. Касаба уюшмалари ўтган икки йил давомида республика миқёсида фуқаролардан тушган 2500 дан ортиқ ёзма ариза ва шикоятни кўриб чикди. Шуларнинг учдан икки қисми, яъни 1701 таси қаноатлантирилди. 400 дан ортиқ оғзаки мурожаатларга эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Таҳлил шуни кўрсатдики, мурожаатларнинг кўпчилик қисми асоссиз ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказишда қонун меъёрларининг бузилганлиги ва бунинг оқибатида ишловчилар моддий ҳамда маънавий зарар кўрганлиги тўғрисидадир. 2001 йилда касаба уюшмаларининг меҳнат ҳуқуқ инспекторлари қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқлардан фойдаланиб, 60 та ҳолат бўйича суд мажлис залида иштирок этиб, ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини амалга оширдилар. Ангрен кўмир-қурилиш ҳиссадорлик жамиятининг кадрлар бўлими инспектори Ў.Исроилова штат қисқарди баҳонасида асоссиз вазифасидан бўшатилган. Суд жараёнида унинг лавозими қисқартирилмаганлиги маълум бўлди. Бўлим инспектори мушкули осон бўлиб, у ўз вазифасига қайта тикланди. Мажбуран бекор юрган вақти учун етказилган моддий ҳамда 300 минг сўм миқдорида маънавий зарар ундириб берилди.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент тўқимачилик комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Уларнинг унумли ишлаб, кўнгилли дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароит яратилган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли хил иплар, трикотаж буюмлари харидорбоп.

Цехлар замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Ишловчилар орасида ёшлар тобора кўпайиб бормоқда.

Суратларда: (чапдан) сифат назоратчиси Наталья Понкина; оператор Моҳира Шертоева.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

XIX қишки Олимпия ўйинлари кундалиги

Солт-Лейк-Ситида ўтаётган қишки Олимпия ўйинларининг учинчи кунида фигурали учиш бўйича жуфтликлар, биатлонда эркаклар ва аёллар ўртасида яккалик пойгаси, эркаклар чана спорти ҳамда сноубординг беллашувлари ўтказилди. Аёлларнинг тоғ чанғиси баҳслари эса кутилмаган нокулай об-ҳаво туфайли бир кунга кечиктирилди.

ҲОЗИРЧА МЕЗБОНЛАР ПЕШҚАДАМ

Ўтказилган мусобақаларда АҚШ, Норвегия, Россия, Германия ва Италия олимпиячилари олтин медалларга сазовор бўлишди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, германиялик спортчи Клаудиа Пехштайн янги олимпия ва жаҳон рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди. У 3 км масофага коньки да югуриш баҳсларида финишга биринчи бўлиб етиб келди. К.Пехштайннинг бу ғалабаси Германия терма жамоасига илк олтин медални тортиқ этди. Медал жамғаришда эса иккитадан олтин, учтадан кумуш ва биттадан бронза медалларини қўлга киритган америкалик ва германиялик спортчилар етакчилик қилишмоқда.

Мусобақаларга оид яна бир янгилик: «Солт-Лейк-Сити-2002»да қатнашаётган мамлакатлар сони 78 тага етди. Хабарингиз бўлса, ўйинларнинг очилиш маросимида 77 мамлакатдан 2526 спортчи иштирок этганди. Лекин кейинчалик олимпиячилар сафига Коста-Рика давлатининг ягона вакили — чанғичи Артур Кинч қўшилди. Бу спортчи чанғичиларнинг спринт ва 10 километрлик пойга баҳсларида мамлакати шарафини ҳимоя қилади.

Қишки Олимпия ўйинларига дунё миқёсида жуда катта қизиқиш билан қаралмоқда. Масалан, биргина польшалик «учар чанғичи» Адам Малишнинг Солт-Лейк-Ситидаги иштирокини 12,5 миллионга яқин ватандошлари зангори экран орқали кузатган. Шунинг учунми, спортчи ҳамюртлари ишончини оқлаб, ўша кунги 90 метрли трамплиндан сакраш беллашувларида бронза медалини қўлга киритганди. Яна шунингдек, ажойиб қишки спорт тури — фигурали учиш ихлосмандлари ҳам кўплаб топилади. Мазкур спорт тури бўйича эркаклар ўртасидаги финал беллашувларини бевосита муз саройининг ўзида туриб томоша қилиш иштиёқида бўлган бундай томашабинлар ҳар қанча чиқимдан қочишмаяпти.

ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

12 феврал куни Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов мамлакатимизга ташриф буюрди. Тошкент аэропортида олий мартабали мехмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Пойтахтдаги қароргоҳда икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, ўтган йилнинг декабр ойида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов расмий ташриф билан Тошкентга келган эди. Ушбу ташриф асносида Президент Ислом Каримов билан кенг қамровли музокаралар ўтказилди ва кўпгина келишувларга эришилди.

Бош вазирларнинг мазкур учрашуви президентлар музокарасининг узвий давоми бўлди. Учрашув якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорликка оид битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон бир-бири учун транзит мамлакатлар ҳисобланади. Президентларнинг декабр ойидаги учрашувида юк ташиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро борди-келдини янада кенгайтиришга келишиб олинган эди. Имзоланган ҳужжатлар бу мақсадларнинг ижроси учун хизмат қилади. Газ, ёқилғи-мойлаш материаллари, моддий-техникавий ва минерал заҳиралар, бошқа турдаги товар ва маҳсулотларнинг оқими ошади. Ўзаро борди-келди янада гавжумлашади.

Шу куни Тожикистон Бош вазири Оқил Оқилов раҳбарлигидаги делегация Тошкентдан жўнаб кетди.

(ЎзА)

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг ўтган йил 118-сонида эълон килинган «Меҳнат таътили даврида вазифасидан бўшатилди» сарлавҳали мақолада Каттақўрғон тумани «Мойбулоқ» ширкат хўжалигида турли вазифаларда фаолият кўрсатиб келган Аброр Хайдаров навбатдаги меҳнат таътилига чиккан даврида ишдан нотўғри бўшатилгани танқид килинган эди.

Ушбу мақола юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб олинди.

ИШДАН НОҲАҚ БЎШАТИЛГАН

— Газетада таъкидланган ҳолатлар текширишда тўғри бўлиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам А.Ҳайдаровга 48 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилган. Бироқ буйрукда ишга чиқиш куни 9 май эмас, балки 13-апрел деб кўрсатилиб, хатога йўл қўйилган. Бундан ташқари А.Ҳайдаров Меҳнат Кодексининг бир неча моддаларига зид равишда вазифасидан бўшатилган. Шундан кейин у ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, Каттақўрғон туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат этди. Бироқ, қўмита ҳуқуқшуноси Ҳасан Холдоров аризани текширишда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилганидек, хат муаллифига ёзма равишда жавоб бермасдан, маълумотнома юбориш билан кифояланган. Бундай масъулиятсизликка йўл қўйгани учун вилоят тармоқ қўмитасининг шу йил 4 февралидаги раёсат қарорига мувофиқ унга тегишли интизомий чора кўрилди.

О.НАФАСОВА, Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

ДАЛИЛЛАР ИСБОТИНИ ТОПДИ

«Ишонч»нинг ўтган йил 196-сонида чоп этилган «Ваъдалар қуюқ, ишлар-чи?» сарлавҳали мақолада Нишон тумани бизнес-мактаби маъмурияти собиқ талабаларнинг стипендияларини олти ойдан бери бермай келаётгани танқид қилинганди.

Газетанинг мазкур чиқиши юзасидан таҳририятимизга жавоб хати келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақолада қайд этилган камчиликлар текширишда ўз исботини топди. Бизнес мактаби собиқ талабалари билан стипендиялар тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди. Масъулиятсизликка йўл қўйган бизнес мактаби директори Ж.Муродов, бош ҳисобчи Ж.Шойимовга нисбатан тегишли чора кўрилди. Хазиначи У.Диёровдан эса энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олинди.

Ўқув юртидаги таълим-тарбия ва молиявий ишлар туман ҳокимлиги ҳамда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан қатъий назоратга олинди.

Н.ҲАКИМОВ, Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари.

ЭСКИ УСЛУБ ИСКАНЖАСИДА

Боёвут ва Ховос туманлари агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси фаолиятига бир назар

Сирдарё вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар, улар оила аъзоларини ижтимоий-иктисодий ва хукукий химоялаш борасида ижобий ишларни амалга оширмокда. Мазкур масала вилоят тармок кўмитасининг навбатдаги йиғилишида мухокама килиниб, ижобий ишлар билан бир каторда камчиликлар хам рўйи-рост очиб ташланди.

Боёвут тумани касаба уюшма қўмитасининг раёсат йиғилишлари баённомаларида раёсат аъзоларининг имзолари йўқ. Қўмита йиғилишлари ҳам тўлиқ ҳужжатлаштирилмаган.

Меҳнаткашлар манфаатларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Битим ва жамоа шартномалари асосий ҳужжатдир. Лекин ўтган йил август ойида Марказий қўмита томонидан ўтказилган текширувда Боёвут тумани агросаноат тармоғидаги 18 та ташкилот жамоа шартномаларидан бор-йўғи 7 таси туман кўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилган, холос.

Тумандаги қатор хўжаликларда, жумладан, «Деҳқонобод», «Ғаллакор», Ш.Рашидов номли хўжаликларда бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳужжатлар билан ишлаш, йиғилишларни вақтида ўтказиш, жамоа шартномаларидан унумли фойдаланиш борасида қатор камчиликларга йўл қўйганлар.

Туманда меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди. 2001 йил 9 ойи давомида 3 та бахтсиз ҳодиса рўй берган, шундан биттаси ўлим билан тугаган.

16 май ва 13 сентябр кунлари «Деҳқонобод» ширкатлар уюшмасида бахтсиз ҳодиса рўй бериб, тракторчи Ихтиёр Жўраев ва Шамсиддин Мирзаевлар оғир тан жароҳати олган.

Бахтсиз ҳодисанинг аксарияти иш жойларида меҳнат муҳофазасининг қониқарсиз ташкил этилганлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги, ишловчилар ўртасида ўқув ва тушунтириш ишлари ташкил этилмаслиги оқибатида рўй бермоқда. Касаба уюшма қўмиталари йиғилишларида эса рўй берган бахтсиз ҳодисалар бирон марта муҳокама этилмаган. Камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Ховос тумани АСМХ касаба уюшма қўмитаси 18 та қуйи ташкилотни бирлаштириб, 7205 нафар аъзога эга. Шундан тўрт нафари озод этилган бошланғич касабақўм раисларидир. Ўтказилган раёсат йиғилишларида юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан юборилган қарорлар, тавсиялар тўлиқ ўрганилмаган. Мисол учун, вилоят тармоқ қўмитасининг ўтган йил 30 июлдаги 9/1 сонли (Ш.Рашидов тумани бўйича) раёсат қарорлари келган жойида ўрганилмай, қолиб кетган. Ваҳоланки, бундан ташқари, раёсат йиғилиши баённомалари нотўғри тузилган. Туман қўмитаси томонидан бошланғич касаба уюшма қўмиталарига амалий ёрдам кўрсатиш, улар билан доимий равишда иш олиб бориш суст. «Ўзбекистон 5 йиллиги», «Туркистон», «Навбаҳор» хўжаликлари бошланғич касаба уюшма қўмиталарида иш юритиш масалалари, маданий оммавий тадбирларни ўтказиш яхши йўлга қўйилмаган. Қатор хўжаликларда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида асосий ҳужжат ҳисобланган жамоа шартномаларининг айрим бандлари Меҳнат кодексига зид равишда тузилган. Мазкур жамоа шартномалари ҳеч қандай текширишсиз туман қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказилган. Масалан, А.Темур номли ширкатлар уюшмаси (Саидов Ёқуб) жамоа шартномасида 1 кунлик иш куни 10 соат қилиб белгиланган. Бу эса Меҳнат кодексига мутлақо зиддир. Битимларнинг бажарилиши бўйича хўжаликлардан бирон-бир маълумотнома йиғилмаган.

Ўтган йил давомида бошланғич касаба уюшма қўмитасининг 5 нафар раиси янги сайланган бўлиб, уларга бирор марта ҳам амалий ёрдам кўрсатилмаган.

Иш ҳақидан қарздорликни камайтириш борасида ҳуқуқий идоралар, хўжалик органларига ёзма мурожаатлар қилинмаган. 1 ноябр ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик 15 миллион сўмни ташкил этган.

Болаларни соғломлаштириш мавсумида «Коинот» оромгоҳида 200 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Мавсум давомида бир неча бор молиявий ва ташкилий масалаларда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан уч маротаба камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ёзма равишда кўрсатмалар берилган бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси бажарилмаган. Натижада 2001 йил сентябр ойи раёсат йиғилишининг 10-2 сонли қарори билан оромгоҳ бошлиғи ўз вазифасига нолойиқ деб топилиб, туман қўмитаси раисига ҳайфсан берилди.

Моддий манфаатдорлик бор жойда ишга қизиқиш, изланиш, интилиш бўлиши табиий. Лекин, Ховос туманида бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг қўнимсизлигига чек қўйилмаяпти.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар, энг аввало, бошланғич ташкилотлар раҳбарларида ташкилотчилик ва ташаббускорлик етишмаётгани оқибатидир.

Саид МИРЗО.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

«ЭНГ ҚОРА ЙИЛ»

Исроил полицияси вакили Шломо Аронишки 2001 йилни Исроил — Фаластин муносабатларидаги «энг қора йил» деб баҳолади. Чунки, ўтган йили ҳаддан зиёд кўп қўпорувчиликлар амалга оширилди. Маълумотларга қараганда, 2001 йилда Яқин Шарқ минтақасида жами 1800 та қўпорувчилик хуружлари содир этилган. Унинг юзга яқини Ал-Қуддусда юз берган ва юздан ортиқ яҳудий қурбон бўлган.

ЭЛЧИХОНАЛАР ЁПИЛАДИ

Молиявий инқироз туфайли Аргентинада вужудга келган аҳволни ижобий йўлга солиш учун турли хил чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Яқинда ҳукумат ижтимоий-иқтисодий, молиявий инқирозни эътиборга олиб, жорий йилда айрим давлатлардаги элчихона ва консуллик хизматларини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан Сенегал, Зимбабве, Кения, Лубнон, Қувайт, Югославия, Болгария, Руминия, Гондурас, Доминикан Республикасидаги элчихоналар фаолияти тўхтатилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу йўл билан беш миллион АҚШ долларидан зиёд маблағни тежаб қолиш мумкин.

САДДАМ САММИТГА БОРМАЙДИ

Ироқ парламенти раиси Саадун Ҳаммадий мамлакат президенти Саддам Ҳусайн Араб давлатлари раҳбарларининг март ойида Байрутда бўладиган саммитида қатнашмаслигини маълум қилди. Президент хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан яъни, С.Ҳусайнга айрим ташқи кучларнинг тажовузи борган сари кучаяётгани боис шундай йўл тутилмоқда, деди парламент раиси.

ЮЗДАН ОШГАНЛАРГА ОФАРИН

«Гиннес китоби»нинг сўнгги маълумотларига қараганда, узоқ умр кўриш рекорди Японияга ўтибди. Ипакшунос Юкичи Чугандзи исмли отахон 112 ёшга кирибди. Аммо, франциялик Жан Луиза Калмен ҳамон биринчиликни бермай келаётир. У 122 йил 164 кун яшаб, 1997 йилда қазо қилган эди. Ю.Чугандзигача ер куррасининг энг кекса кишиси италиялик Антонио Тодде ҳисобланарди. У Юкичидан уч ойлик катта эди. Ю.Чугандзи 1889 йилнинг 23 мартида таваллуд топган. Унинг ёлғиз қизи — Киоко 72 ёшда.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ОМБУДСМАН ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш йўлида ҳамжиҳат иш олиб бормоқда

(Боши 1-бетда).

Шунингдек, Пахтачи тумани марказий касалхонасининг шифокорлари Абдуллаев, Бердиёров, Муҳаммадиев, Иштихон туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Луқмонова ҳам суд қарорига асосан ўз ишларига қайта тикландилар. Омбудсман ва касаба уюшмалари фаолиятига оид бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Жойлардаги аҳволни ўрганиш жараёнида ишчи-хизматчилар иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик масаласини кўндаланг қўйишмоқда. Касаба уюшмалари муаммони ҳал этишга ўз имкониятлари доирасида қатъий ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, ўтган йили юқоридаги масала юзасидан судларга 64 та, прокуратура органларига 229 та мурожаат қайд этилди ва талабларни қондириш тўғрисида қарорлар олинди.

Яқинда эса Омбудсман номига Тошкентдаги 1-ўй қурилиш комбинати ҳиссадорлик жамияти ишчиси Татьяна Смолобочкина мансабдор шахсларнинг айби билан саккиз ойлик иш ҳақини ололмаётганлигини баён қилиб, ариза билан мурожаат қилди. Мурожаат прокуратура идораларига юборилди. Натижада корхона раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, жабрланувчига тегишли маблағ ундириб берилди. Шунингдек, Сирдарё вилояти «Агротехсервис» ташкилоти ҳайдовчиси З.Пардаев, Жиззах вилояти «Промэнергиямонтаж» корхонаси, Андижон вилояти Марказий шифохонаси, «Трансқурилишмеханизация» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бир гуруҳ ишчиларининг мурожаатлари ҳам ижобий ҳал этилди.

— Қонун бузилишларига иш берувчиларнинг меҳнат қонунларини яхши билмасликлари ёки айрим ўринларда совуққонлик, тўрачилик, масъулият ҳиссини сезмаётганликлари каби иллатлар сабаб бўлмоқда, - дейди касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш комиссиясининг аъзоси Зоиржон Қодиров. - Касални тузатишдан кўра, унинг олдини олган маъқул. Биз ўзаро кучларни бирлаштириб, меҳнат жамоаларида иш берувчи ва ходимлар учун ҳуқуқий масалаларга бағишланган тадбирлар, савол-жавоблар ўтказиб туришга эътиборни кучайтирамиз.

Ўтган икки йил давомида касаба уюшмалари ҳуқуқшунослари мингдан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса ва жамоаларда бўлишиб, тарғибот-ташвиқот, кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Ҳуқуқий мавзулардаги конференциялар, семинарлар мақсадга эришишда муҳим рол ўйнамоқда. Янги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиляпти. Ўзбекистон телевидениеси, радиосида чиқишлар қилинмоқда. «Народное слово», «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарида «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Саволларингизга жавоб берамиз» рукнлари остида ҳуқуқшуносларимизнинг чиқишлари уюштирилмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан меҳнат муносабатларини самарали тартибга солиш борасида жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари аҳамиятини юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда республикамизда 70 дан ортиқ тармоқ келишувлари, 14 ҳудудий келишувлар, 30 мингга яқин жамоа шартномалари амал қилмоқда. Улар орқали 6 миллионга яқин меҳнаткашлар манфаати қамраб олинган. Бу қувончли ҳол. Бироқ, кузатишлар шуни кўрсатадики, муҳим ишга муносабат ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Жамоа шартномалари, айниқса, нодавлат сектори корхоналарида кам тузилаётир. Шу билан бирга, меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни, уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Шу боис, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қўшни давлатлар ичида биринчилардан бўлиб жамоа шартномаларини экспертиза қилиш, қабул қилинганларини эса рўйхатдан ўтказиш ишларини йўлга қўйди, уларнинг бажарилиши бўйича статистик ҳисоботларни жорий этди. Федерация Кенгаши қошида ва жойларда экспертиза комиссиялари тузилган. Эндиликда Омбудсман идораси вакилларининг ҳам ушбу комиссиялар ичида қатнашувини таъминлаш юзасидан келишиб олинди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг касаба уюшмалари Федерациясининг III қурултойи қатнашчиларига йўллаган табригидаги қуйидаги сўзларни келтириш ғоятда ўринлидир: «Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодий талабларга мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилаётгани эътиборга сазовордир».

Бу энг нуфузли, оммавий жамоат ташкилоти - касаба уюшмалари ҳамда Омбудсманнинг биргаликдаги фаолиятига янги омил бахш этади.

М.ИЛЁСОВ,
М.ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбирлари.

Оқибатли кишилар

ДУО БИЛАН ЭЛ КЎКАРАР

Саховатпешалик халқимизнинг азалий одати. Алломалардан бири таъкидлаганидек, яхшилик қилиб, бировнинг бир томчи кўз ёшини қурита олган киши жанг майдонида қаҳрамонлик кўрсатган одамдан кўра баҳодирроқдир.

Олот туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида бўлганимизда ташкилотчи раҳбар Ҳамроқул Севинчев билан қишлоқ хонадонларини айландик. 7000 аҳоли яшайдиган хўжаликда раҳбарият ва касаба уюшма қўмитаси фуқароларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган ибратли ишларни амалга ошираяпти.

— 103 нафар бош пудратчимизнинг самарали ишлаганлиги туфайли давлатга 3100 тонна пахта топшириб, йиллик режани ошириб бажардик, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Э. Жаллиев. — Бошқа соҳаларда ҳам шартнома режалари уддаланиб, даромадимиз кўпайди.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларидан 500 миллион сўм даромад олинди. Шунинг 80 миллион сўмини соф фойда ташкил этади. Бу маблағ аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, қишлоқ ободончилиги, жисмоний тарбия ва спорт, маданий-маиший ишларга сарфланади.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш учун 2 миллион сўмлик маблағ ажратилди. 15 тонна ўсимлик мойи, 30 тонна шрот ва шулха тарқатилди. Илғор пудратчиларга 10 тонна дон берилди. М.Итолмасов, Й.Оллақулов каби пудратчиларнинг ҳар бири 2,5-3 тоннадан ғалла олдилар.

Мактаблар, болалар боғчалари меҳнат жамоасининг ҳомийлигида. Ҳудуддаги 12-,13-мактабларни таъмирлаш учун 1,5 миллион сўм кетган бўлса, кам таъминланган оилаларнинг болаларига 400 минг сўмлик дарсликлар олиб берилди.

Қишлоқларни айланганимизда 90-100 ёшдан ошган Ортиқ бобо Бадалов, Ҳамдам бобо Жўраев, Бозор бобо Ҳусановлар билан суҳбатлашдик.

Хўжаликнинг 11 та қишлоғида яшаётган 24 нафар уруш ва меҳнат ногиронлари, 50 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Улар дон, гўшт, ўсимлик мойи, ун ва гуруч билан таъминланмоқда.

Олот полвонлар юрти. Хўжалик раиси Ҳ.Севинчев кўп йиллар кураш тушиб мусобақаларда ғолибликни эгаллаган. Унинг раҳбарлигида 35 нафар ёш миллий кураш билан шуғулланмоқда. Спорт мажмуи ишлаб турибди. Қишлоқ ёшларидан Ф.Маматов, М.Қодировлар Россиянинг Твер шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақанинг ғолиби бўлиб қайтдилар. Спорт усталари Меҳриддин Севинчев, Исмоил Авезов, Бобур Севинчев, Саид Маҳмудовлар мусобақаларда туман ва вилоят шарафини ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Меҳр-мурувват ва оқибат бўлган жойда ишлар ўз маромида кетиши аниқ. Ота-боболаримиз «Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эл кўкарар» деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатан ҳам одамлар мустақиллик шарофати билан бахтли ва фаровон яшамоқдалар, юртимизни маъмур қилиш учун фидокорона ишламоқдалар.

А. ИСОМУТДИНОВ.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида БМТ Болалар жамғармаси - ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатларида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг навбатдаги минтақавий анжумани бошланди.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг Душанбеда бўлиб ўтган учрашуви тавсиялари ижросини кўриб чиқади. Бу масала юзасидан ҳар бир мамлакатнинг ҳисоботи тингланади. Минтақада гўдаклар, она ва болалар касалликларининг олдини олиш, улар ўртасида ўлимни янада камайтириш истиқболларини аниқлаш, касалликларга қарши эмлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар белгиланади.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда оналар ва болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини, бу борада махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, улар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА).

Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бир-биридан кўркам муҳташам бинолар, кенг, равон йўллар, хиёбонлар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшди. Шунингдек, маданий-маиший, савдо муассасалари қурилиб ишга туширилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари шарофати ила мевали, манзарали дарахт кўчатлари кўпайди.

Ҳозирги кунда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Тарғиботчилар, сўз усталари жойларда бўлиб, ютуқлар омили хусусида ҳикоя қилмоқдалар.

— Тўйга муносиб тўёна тайёрлаш азалий одатимиз, - дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Анвар Амирқулов. — Қайси бир корхона, ташкилотда бўлмайлик кишилар зўр кўтаринкилик, шижоат билан меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Энг оммавий, нуфузли жамоат ташкилоти ишда ўзини кўрсатган, юқори натижаларга эришаётган, ташаббуслар билан майдонга чиқаётган зарбдорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бормоқда. Санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда.

Суратларда: бугунги Термиз шаҳри.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.



Маҳалланг — отанг, онанг

ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР

Маҳалла инсоний қадриятларни шакллантириш, маънавиятни юксалтириш, инсоф ва адолатни, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш масканидир.

Маҳалламиз кейинги йилларда янада ободонлашиб, кўркам тус олди. Айни пайтда барча хонадонлар газлаштирилиб, ичимлик суви билан таъминланган. 396 хонадонга сув ва газ ўлчагич асбоблари ўрнатилди.

Эндиликда новвойхона, чойхона, сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси мажмуаларидан иборат маҳалла гузари қуришга киришилди. Маъмурий идора биноси таъмирланди.

Тозалик ва ободончиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Обид Эшонқулов, Эркин Нодиров, Мурод Сафаров, Бахтиёр Қиличев, Қодир Худойбердиев каби фаолларимиз атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш, кўкаламзорлаштириш юмушларини амалга оширишга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Жамиятимизнинг асоси ҳисобланган оилалардаги тинч-тотувликни, аҳиллик ва иноқлик ни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказилаяпти.

Қўмита ҳузурида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар, маънавият ва маърифат, яраштириш, тўй ва маъракаларни ўтказиш комиссиялари томонидан тарбиявий мавзуларда мулоқотлар ташкил қилинаяпти. Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг ташаббуси билан йигит-қизлар ўртасида спорт мусобақалари уюштирилаётгани боис ўсмирларнинг бўш вақтлари мароқли ўтмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Бўронова янги турмуш қурган оилаларда бўлиб, ёш ота-оналарга фарзанд тарбияси бўйича маслаҳатлар бериб бораётгани ҳам ўз самарасини бераётир.

Участка нозири Эштемир Нодиров ва маҳалла посбони Бахтиёр Намозов аҳоли осойишталигини таъминлашда жонкуярлик кўрсатишмоқда. Уларнинг фаоллиги туфайли жазо муддатини ўтаб қайтган фуқаролардан 4 нафари ишга жойлаштирилди.

Ҳудудимизда 16667 китоб фондига эга бўлган кутубхона ишлаб турибди. Мудира Матлуба Холмуродовадан барча миннатдор. Қўшни «Худойзод», «Самарқанд», «Боғишамол» маҳалласида яшовчи китобсеварлар ҳам айнан шу кутубхона хизматидан фойдаланишади.

Тарбия ўчоғи ҳисобланган маҳалла қўмитамиз аъзолари ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар, юксак маънавиятли ва одобахлоқли кишилар қилиб тарбиялаш учун ҳамжиҳатликда иш кўраяпти.

Ғайбулла ОТАБОЕВ,
Қарши шаҳридаги «Рогузар» маҳалласи оқсоқоли.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Ғаллаорол тумани "Сувоқава" корхонасининг ҳисобчиси Одил Гулмуродов 2001 йилнинг ноябрида бетоблиги сабабли даволанди. Ишга қайтгач, ҳеч бир сабабсиз, техник кенгашнинг қарорига асосан 8 ноябрдан вазифасидан озод этилгани тўғрисидаги буйруқни қўлига тутказишди.

Ходим корхона раҳбари Илҳом Пардаевга ишдан ғайриқонуний бўшатилганлигини ҳарчанд тушунтирмасин, касаллик варақасини тақдим этмасин, бошлиқ: «Сен ишдан бўшагансан, қаерга бориб шикоят қилсанг қилавер, мен ҳақман», деб ўз сўзида туриб олди.

Уринишлари бекор кетаётганлигини тушунган О.Гулмуродов ариза билан касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди.

Жиззах вилояти енгил, мебел саноати, коммунал ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Комилжон Ҳақбердиев 27 декабрда ёзилган аризани ва меҳнат шартномасини бекор қилишга оид ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, ҳисобчи касаллик варақаси бўла туриб вазифасидан қонунга хилоф равишда бўшатилганлигини аниқлади.

Корхона ҳисобчиси касаба уюшма қўмитасининг аралашуви билан қайта ишга тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

Ортиқ САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ҒАЙРАТОВЛАР ҒАЙРАТИ

Нафақахўр Бобо Ғайратов 1997 йилнинг ноябр ойида Пахтакор туманидаги Ҳайдарбек Абдужабборов номли хўжаликдан 32 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этганди. Мана тўрт йилдирки, фермер хўжалиги аъзолари ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олиб келишмоқда. Натижада йилдан йилга даромадлари кўпайиб, фермерлик ҳаракатини ривожлантириб боряптилар.

Бугунга келиб, Ғайратовлар оиласи 1 та «МТЗ-80» чопиқ трактори, 1 та «Олтой» ва 1 та «Максум-МХ135» русумли ҳайдов техникаларига эга бўлишди. Ўнлаб кишилар иш билан таъминланди. Ўтган йили 4 гектар ердан 13,4 тонна ғалла йиғиштириб олиб, режадаги 7 тонна ўрнига 10,2 тонна сара дон олишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, 24,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили етиштирди.

Натижада ғалладан 300 минг сўм, пахтадан эса 5 миллион сўм атрофида соф фойда олинди. Фермернинг ўғилларидан Феликс «Хуш-Рав», Қўчқор «Худоёр-Б» деб аталган фермер хўжаликларини ташкил этишган. Оилавий фермер хўжалигининг давлатга сотган ғалласи ўтган йили 154 тоннани ташкил этди. 40 нафар киши иш билан таъминланган. Уларга ойма-ой иш ҳақи бериб бориляпти. Режадан ортиқча 50 тонна ғалла ишчиларга тарқатилди.

Бобо Ғайратов ва унинг фермер ўғиллари саховатпеша инсонлардан. Ҳайдарбек Абдужабборов номли ҳамда «Туркистон» ширкат хўжаликлари ҳудудларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга баҳоли-қудрат моддий кўмак бериб келишаётир.

Бобо Ғайратовнинг асли касби ўқитувчи бўлганлигидан халқ таълими бўлими ҳисоб рақамига 250 минг сўм, туман марказий касалхонасига 50 минг сўм маблағ ўтказиб берди. Хўжалик қўрғонидаги футбол майдонини, мактаб спорт залини жорий таъмирдан чиқарди.

Ҳа, буларни ҳақиқий деҳқон, чин маънодаги қишлоқ мулкдори деса бўлади.

С.БЎРИЕВ.

ҲУЖЖАТСИЗ ВА РУХСАТСИЗ

"Ишонч" фош этади

Солиқ солиш объектлари ва субъектларини тўлиқ ҳисобга олиш юзасидан ўтказилаётган тезкор текширувлар давомида бири-бирига ўхшаш ҳуқуқбузарликлар сув юзига қалқиб чиқаяпти. Бундай қонунбузарликларнинг бири Шайхонтоҳур туманидаги Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида кўзга ташланди. Институт биноларидан бирида яширинча қуюлтирилган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган сохта тадбиркор Улуғбек Сиддиқовнинг сири фош бўлди.

Унинг қўлида тадбиркорлик ва тижорат ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи бирорта ҳам ҳужжат йўқ эди. Ўтказилган рейд давомида Улуғбек 180 дона қуюлтирилган сут маҳсулотини 95 минг сўмга сотишга улгурганлиги маълум бўлди. Цехни кўздан кечириш жараёнида сифат сертификати бўлмаган 350 килограмм шакар, истеъмол муддати кўрсатилмаган ҳолда сотувга тахт қилиб қўйилган 1,1 миллион сўмлик 2115 дона қуюлтирилган сут маҳсулоти, Литва Республикасидаги «Марямпол» сут маҳсулотлари заводига тегишли 3000 дона ёрлиқ ва турли хил мосламалар далилий ашё сифатида олинди.

Худди шунга ўхшаш ҳолат Юнусобод туманидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ҳам фош этилди. Хусусий тадбиркор А.Умаров завод ҳудудидаги биноларнинг бирида яширин печенье цехи ташкил этиб, тегишли ҳужжати бўлмаса-да, маҳсулотларни нақд пулга сотиш билан шуғулланаётган экан.

Текширув куни цехда тиббий кўрикдан ўтмаган, яшаш жойининг тайини йўқ 9 нафар ёлланма ишчи ишлаётган эди. Уларнинг кучи билан январ ойида 140 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб сотилибди. Лекин маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмасди. Яна сотувга тахт қилиб қўйилган 159 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олинди.

Фуқаро Ш.Асадов эса ҳужжатсиз ва рухсатсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай жой деб А.Икромов тумани, Х.Турсунқулов кўчасидаги 42-сонли автосаройни танлабди. У яширин йўллар билан бу ерга 40 қоп шакар ғамлаб, унинг ҳар килограммини 550 сўмдан сотаётган экан. Ҳаш-паш дегунча 1,1 миллион сўмлик шакарни пуллабди. Шундан кейин яна 169 қоп шакар ғамлаган пайтида омади чопмай қолди. Ҳозир суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги «Гастрол-концерт фаолияти соҳасида солиқ солиниши ва аудио-видео кассеталарини тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини текшириш жараёнида ҳам кўпгина ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, Шайхонтоҳур тумани Белтепа мавзесида назорат тартибида ўтказилган текширишларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган фуқаро М.Юсупов қўлга тушди. У дуч келган жойда видео кассеталари билан савдо қилиб юрган.

Ўша куни унинг сумкасидан 73 дона 182,5 минг сўмлик видео кассеталар чиқди. Бу кассеталарга нималар ёзилганлиги номаълум, чунки, улар дастлабки кўрикдан ўтказилмаганди.

Кабел телевидениеси билан шуғулланиб юрган М.Самиғовнинг сири ҳам ўша куни ошкор бўлди. У ўғринча йўллар билан хонадонларга кабел тортиб, истеъмолчилардан 182,3 минг сўм нақд пул йиғиб олган экан. Лекин, олинган пул учун квитанциялар ёзилмаган, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун унда ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. «Почта ва телекоммуникация агентлиги» томонидан берилган лицензия муддати эса 2001 йил 28 августдаёқ тугаган. Ўшандан бери ёнига 2 нафар ёлланма ишчини олиб, ҳужжатсиз ва рухсатсиз кабел тортиб юрган.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунга ҳам қолмай чиқаяпти. Шундай экан, ҳамма ишни қонун-қоидага риоя этган ҳолда қилган маъқул. Ҳалол тадбиркорлик учун кенг йўллар очилган ҳозирги замонда тўғри яшаб, тўғри меҳнат қилганга нима етсин!

Жасур НОСИРОВ,
Республика Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур биз учун маҳобатли бир юлдуз. Унинг завқбахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусаффо нур бизу сизнинг онг ва идрокимиз ёришувига хизмат қилади. Бундан қарийб беш аср муқаддам шундай бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Кейин ҳам шундай қолажак.

«РУҲИМ ЯРАТИБ ЭДИНГ ЛАТОФАТ БИРЛА...»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиётига ҳар қанча ҳавас қилса, ундан ҳар қанча сабоқ олса арзийди. Бобур ҳаётда қандай бўлган бўлса, ёзган асарларида ҳам шундай: мард, ростгўй, табиийликни ниҳоятда қадрловчи, самимий, таваккул ва завқ соҳибидир. Бобурнинг шахсияти шу даражада очиқ ва қудратлики, сунъийлик, зоҳирий чиройбозлик ёки ёлғон унинг яқинига ҳам йўлай олмайди. Бобур бошдан кечирган бир-биридан оғир, бир-биридан қайғули ва таҳликали воқеа-ҳодисотлар унинг порлоқ шахсиятини асло парчалай олмаганлигига ҳайрон қоласиз. Сиёсий мағлубиятлар ва имконсизликлар, инсоний оқибатсизликлар ва ожизликлар, ўлим шарпалари ва ажал хуружлари қаршисида ҳам Бобур - ўша-ўша оқил, жасур, ҳаётсевар, яхшилик ва одамийликнинг куч-қувватига ишонган донишманд ўлароқ қад ростлаб туради. Менинг назаримда, Бобурдаги барча ишонч унинг толмас ва толиқмас руҳидан қалқиб чиққан. Чунки у руҳнинг қудрати, илоҳий имтиёз ва талабларини теран ҳис қилган. Бобур руҳан Оллоҳга яқинлашиш сирларини кашф этгани сайин, Қалб, Руҳ, Сир, Хафи ва Аҳфо аталмиш латоифи хамса (беш латифлик)нинг дахлсизлигига қатъийроқ ишонган. Унинг:

Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Руҳимни чун тан эвига келтурдинг пок,
Мундин бори элитма касофат бирла, -

деган илтижолари ана шу ишончдан туғилган эди. Шоир назарда тутган «офат» эса, албатта, нафсу ҳаводир. Бобур маснавийларидан бирида нафснинг қилмишларидан огоҳлантирувчи ва «нафс илгида забун» бўлмасликка чорловчи шундай мисраларни битган:

Нафс душман дурур яқин билгил,
Дўстум, бу сўзимни чин билгил.
Душманедур агарчи ўтру эмас,
Лек бир лаҳза сендин айру эмас.
Гарчи зоҳирда тўғридинтур нафс,
Жамъинг уйида ўғридинтур нафс.
Бурноғилар сўзини назар қилғил,
Унинг ўғрисидин ҳазар қилғил.
Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,
Қодир ул ҳарна сўз десанг сўзунгга.

Бобур қўлига қилич ушлаган ҳукмдор. Аммо у қилич билан нафсни енгиб бўлмаслиги, «нафс тавсани» салтанат саманидан чопқирроқ эканлигини аниқ билганлиги боис ҳам тасаввуфга қизиққан. Албатта, бу қизиқиш ўзига хос, яъни тариқатга расман юз берган соликнинг нуқтаи назари ва интилишларидан фарқли эди. Буни «Бобурнома»даги «Турдибек Хоксорким дарвешликдин чиқариб, сипоҳи қилиб эдим, неча йил мулозаматта эди, яна дарвешлиқ дағдағаси ғолиб бўлуб рухсат тилади. Рухсат бериб, Комронга элчи йўсунлуқ йиборилди», - деган биргина маълумотдан ҳам илғаш мумкин. Демак, Бобурга дарвешликдаги ўзлатнишинлик, жўшқин ҳаёт оқимидан четлашиш мақбул бўлмаган.

Асил тасаввуф - гўзал ахлоқ таълимоти. Тасаввуф - руҳшунослик. Тасаввуф - қалб асрори, кўнгул латифликларини ўрганувчи ва ўргатувчи ҳол илми. Шу билан бир қаторда, тасаввуф маънавий-ахлоқий хасталикларни даволаш йўлларини кўрсатувчи шифо тажрибаси ҳамдир. Чунки шайхлар ва муршидлар кўп пайт ишни муридларнинг ботинида ўрнашиб ётган кибр, ғурур, ҳасад, кин, адоват, қаҳр, гумроҳлик каби ўнлаб маразларни даволашдан бошлаганлар. Тасаввуф истилоҳлари орасида «Адвия» деган сўз бор. Бу арабча даво сўзининг кўплиги бўлиб, даволаш маъносини ифодалайди. Тариқат соҳиблари энг кучли, энг теран фазилат ва хислатларни адвия мақомлари деб белгилашган. Булар: эҳсон, илм, ҳикмат, басират (қалб кўзининг очилиши), фаросат, тавозеъ, ҳиммат кабилардир. Бобур буларни мукаммал билган. «Чорасиз дард»ларига пирдан нажот ҳам тилаган. Лекин унинг зиммасидаги тарихий вазифа:

Найлайин муршиду нетай иршод,
Қобилият қанию истеъдод, -

дейишдан ўзгасига имкон бермаган бўлса-да, Бобур тасаввуфий завқдан йироқ яшамаган. Ва доимо ўзини чин дарвешларнинг муҳиби билган, ҳақ аҳли олдида гўё ўзига-ўзи ҳисоб бериб яшаган. Мана, у форсий рубоийларидан бирида нима дейди:

Дар ҳавои нафси гумраҳ умр зое кардем,
Пеши аҳлулло аз афъоли худ шармандаем.
Як назар бо мухлисони хастадил фармо, ки мо,
Хўжагиро мондему хожагиро бандаем.

Мазмуни: Гумроҳ нафсу ҳаво билан умрни зое қилдик. Аҳлулло қошида ўз феъ́лимиздан шармандамиз. Бир бор хастадил мухлисларга назар этки, биз хўжайинликни қўйдигу хожагоп улуғларига банда бўлдик.

Бу шоҳликнинг эмас, орифликнинг эътирофи. Бобур шеърларида ошиқлик ҳолининг орифлик мушоҳадаси ила уйғунлашиб, шеърхонни хоксорлик мақомига рағбатлантиришининг сири ҳам ана шунда. Бир ғарб файласуфи, «Агар мен биргина гулнинг сир-асрорини тушунсам эди, бутун мавжудотнинг сир-асрорини кашф этган бўлурдим», - деган экан. Бу фикрни изоҳлаб ҳинд илоҳиётчиси Ошо шундай ёзади: «Ҳа, битта кичкина гул шу қадар бепоёнки, агар сиз унинг сирларини билсангиз, чиндан ҳам барча мавжудотни англашга эришардингиз. Чунки бу оламда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Зеро, гулни билмоқ учун ерни билиш керак: у тупроқдан ўсиб чиқади, унинг манбаси замин. Яна самони билиш лозим: гул кўкка бўй чўзиб ғунча ёзади. Сўнг қуёшни англаш лозим: қуёшсиз гул - гул бўлмасди: унинг ранги қуёшдандир. Хуллас, анча ичкарига кириб борсангиз, гулни билмоқ учун бутун мавжудликни билмоқ зарурати ўшанча равшанлашади. Сиз эса уни «гул» дейиш билан ҳаммасини биламан деб ўйлайсиз...».

Балки, шунинг учун тасаввуф шеъриятида илоҳий гўзаллик сирларини кашф айлашда айнан шу «гул» тимсоли танлангандир. Балки, Бобурдаги гулпарастлик шу жиҳат билан ҳам боғлиқдир. Ҳар қалай Бобурнинг ғазал ва рубоийларида ташбеҳ ва тимсол сифатида қайта-қайта «гул»ни қўллаши ва гул ўзагидан яралган сўзларни фавқулодда моҳирлик билан ишлатиш фақат зоҳирий бир эҳтиёж эмасдир.

Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Бу байтдаги маъно, туйғу ва манзара билан мана бу мисралардаги мақсад ва ҳолат бир-бирига монанд эмасдир:

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майлин қилмағай,
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Биз Бобурга яқинлашганимиз сайин, унинг бетакрор Шахси ва ижодиётини пухтароқ билганимиз сайин, ўзимизни ўзимиз маънан чеклашдан, билиб-билмай қўрқоқлик ё олчоқликка маҳкум этишдан, қолоқ ва маҳдуд ақидаларга ён беришдан анча фориғ бўламиз. Бобур чин маъноси ила буюк мураббий - ҳаёт мураккабликлари ва зиддиятларидан сабоқ беради. Баъзан Бобур муршид мақомида, дунё ғала-ғовурларидан халос бўлган шайхга ўхшаб сўзлайди:

Арзимас ғам емакка бу дунё,
Бал отин ҳам демакка бу дунё.
Тамаъ узгил бу эски дунёдин,
Хотирингдин чиқар бу дунё ёдин.
Давлат учун кўнгулни зор этма,
Иззат учун ўзунгни хор этма...

Бу ўгитларни бир толиб ёки солик эътиқоди ила тинглаб мушоҳада этсангиз, дилингиз шундай равшанлашадики, беихтиёр қаноат, ризо, сабр ганжига иштиёқ сезасиз. Молу дунё учун ҳеч нимадан тап тортмай ўзини дару деворга ураётган ҳорис кимсалар оддий бир ҳақиқатни - бош оғриганда оёққа тилло боғлаш фойдасизлигини фаҳмлай олмаслигидан ажабланасиз. Иттифоқо, хотирингизда Бобурнинг сўзлари жонланади:

Беқайд мену харобу сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.

Бу шоҳ Бобурнинг эътирофими? Шоир Бобурнинг ҳукмими? Ёки олим ва мутафаккир Бобурнинг гапларими? Кўпинча буни ажрата олмайсиз. Бобур асарлари орқали ҳам шоҳ, ҳам шоир, ҳам олим, ҳам ошиқ, айни пайтда ғурбат ўтида бағри ёнган бир ғариб бўлиб сўзлашади сиз билан. Бундай мусоҳибни қайдан топасиз? Ҳукмдор рутбасини эгаллаб ҳеч қачон расмиятчилик ва димоғдорликка таслим бўлмаган, шоир бўлиб ҳеч вақт баландпарвозлик ва самимиятсизликка майл кўрсатмаган, ота, оға, дўст, раҳнамо бўлиб ҳеч бировнинг ишончига раҳна солмаган бундай бетимсол шахс неча асрларда дунёга келишини бошқалар билмаса ҳам биз билан сиз билишимиз ва шукрона айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

ҒАЗАЛЛАР

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор этгию қилди муддаийга парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?!

Ошиқ ўлғач, кўрдум ўзумни ўзумга, эй рафиқ:
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб:
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?!

* * *

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ?!

Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

ФИРДАВСМОНАНД БОҒ

ёхуд Заҳириддин Муҳаммад Бобур мақбараси хусусида

Узоқ йиллардан буён «Бобурнома» асари устида илмий изланишлар олиб боряпман. Шу муносабат билан АҚШ, Арабистон каби ўнлаб мамлакатларда сафарларда бўлдим. Бешта монография, ўқув қўлланмаси, юздан ортиқ илмий мақолалар тайёрладим. Ана шу асарларим орасида «Бобур мақбараси» ҳақидаги изланишлар кўпчиликни қизиқтирса керак деб ўйлайман.

Бобур Мирзо Ҳиндистонни эгаллаб, 1527 йилда Раана Санго устидан ғалаба қозонгандан сўнг, ўз вужудида чарчоқликни ҳис эта бошлайди. Бу ҳолат, айниқса, Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Байда топшириғи билан ошпазлар томонидан унинг овқатига заҳар солиб берилганлигининг натижаси эди. У гўшанишинликни ихтиёр қила бошлайди, давлатни идора этиш ишларидан кўнгли совийди. Лекин, аркони давлат, амирумаролар уни бу истакдан қайтарадилар. Боз устига оилавий ташвишлар ҳам бир талай эди.

Гулбадан бегимнинг шаҳодат беришича, ҳазрат подшоҳнинг вафотидан олдинги оилавий ташвишлари орасида Гулранг бегим билан Эсон Темур Султон ва Гулчеҳра бегим билан Тўхта Буға Султоннинг тўйлари масаласи ҳам бор эди. Гулбадан бегим яна Мирзо Ҳиндолни кўриш иштиёқида чопар юборганида, Ҳиндол Мирзо отасининг вафотидан кейин ташриф буюргани ҳақида ёзади. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмаганидан сўнг, Ҳумоюнни Санбалдан чақиртирадилар. Отасининг ўлимидан 4 кун олдин у Аграга етиб келади. Эртаси куни Бобур саройидаги ҳамма амирларни чақиртириб, охирги марта Мирзо Ҳумоюнни ўз меросхўри деб тайинлаб, унга бўйсунишларини, садоқат билан хизмат қилишларини васият қилади. Унинг сўзларини Абулфадл якунлаб шундай дейди: «Қозию уламолар билан суҳбатда бўлинди. Худога мақбул бўлиш учун Ҳумоюнга сахий ва ҳақиқатгўй бўлишни, мулкни асраб эҳтиёт қилиш, хато ўтса узр сўраб, гуноҳкор бандаларнинг гуноҳидан ўтишдай қимматли маслаҳатлар берилди. Ва у (Бобур), васиятимнинг мағзи шуки, «агарда улар жазога мустаҳиқ бўлсалар-да, ҳеч қачон уламоларингга қарши чиқма», деб хитоб қилди. Дарҳақиқат, деб ёзади тарихчи, аълоҳазрат жаннат ошиёний ўз фарзандларидан жабр кўрган бўлса ҳам, бирон марта улардан қасд олмади». Гулбадан бегим ўзининг «Ҳумоюннома»сида ёзганидек, «Фирдавсмакон амирларни чақириб, айтдиларким, кўп йиллардан бери Ҳумоюн Мирзога подшоҳлигимни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагида турсам, деган фикрим бор эди. Худонинг карами билан ҳамма нарса муяссар бўлди. Лекин мана шу мақсадимни соғ пайтимда қилсам, деган эдим, бўлмади. Касал мени эзиб қўйди. Сизларга васиятим шуки, ҳаммангиз Ҳумоюнни менинг ўрнимда деб билинглар, у билан мувофиқ ва ҳамжиҳат бўлинглар. Худодан умидим борки, Ҳумоюн ҳам одамларга яхшилик билан маъқул бўлади. Ҳумоюн, ака-укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса Худога топшираман, дедилар. Тўққиз юз ўттиз еттинчи йил жумодул аввал ойининг бешинчи куни — рўзи душанба вафот тарихларидир». Фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошларига қора кун тушди, деб давом этади Гулбадан бегим.

Афсус, надомат бўлгуси у кунга ким, бекарон афлок қолиб, Сиз кетсангиз,
Юз надомат, афсуслар бўлсинким, у куни биз зори ҳайрон, Сиз кетсангиз».

Хода Калон дафн маросимида шу марсияни ўқиб йиғлади, деб тарихчи Бадауний юқоридаги сатрларни келтирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жасадини ҳозирги Тож Маҳал рўпарасидаги Оромбоққа дафн этишган (у вақтда Боғи Нурафшон дейилган). Хожа Муҳаммад Али Асас подшоҳ ҳазратларининг мозорига мутаввалли қилиб тайинланган. Бора-бора ҳофизлар ва қарияларнинг беш вақт намозини жамоа билан ўқиб, хатми Қуръон қилиб, жаннатмакон ҳазратнинг арвоҳига бағишлаш одат тусига кирган эди. Секрийни (ҳозирги Фатҳпур шаҳри номи билан машҳур) яна беш лак экин ери ортиғи билан онҳазрат мозори учун вақф қилиб берилган. Моҳим бегим икки ярим йил мобайнида, ҳар куни икки маҳалдан овқат пишириб, шахсан ўзи мозорга келиб, ҳазрат шарафига тарқатишга бош-қош бўлган.

Бобурнинг васиятига кўра, унинг жасади Қобулга келтирилиб, ўзи танлаган боғига дафн қилиндиким, қабри устига на бирон бино, на бирон дарахтнинг сояси тушиб турмасди. Ҳеч қандай шайхга ҳам ҳожат йўқ эди. Заҳириддин Бобур дафъатан Ганг қирғоғидаги Оромбоғнинг ўртасида таваққат тайёрланган мақбарага дафн этилган. Бу ҳозир Ромбоғ деб аталади ва Жамна дарёсининг чап қирғоғидадир.

Ўзининг сўнгги оромгоҳи сифатида Бобур томонидан Қобулни танланиши бежиз эмас эди. Чунки, у Қобулда 1504 йилдан 1526 йилгача 22 йил муттасил ҳукмронлик қилган. Биринчи фарзанди Ҳумоюн ҳам шу шаҳарда туғилган, онаси Қутлуғ Нигорхоним шу заминга дафн этилган эди. У шаҳарни ободонлаштириш, уни сув билан таъминлаш, боғ-роғлар барпо этишга катта куч сарфлаган. Бобурнинг кейинги ҳарбий юришлари, Ҳиндистонни эгаллаши учун Қобул таянч бўлиб хизмат қилган. Бу шаҳарнинг об-ҳавоси ҳам унга она юртнинг об-ҳавосидай ёқар, шунинг учун у «Бобурнома»да Қобул тарихига катта ўрин берган, айрим шеърларини шаҳар таърифига бағишлаган. Бобур ўғилларига ёзган хатларида Қобулни холиса қилганлигини, ҳеч қайсиси таъна қилмаслигини уқтирган. У Қобулни ўзи учун сақлар эди. Зеро, Қобул унга она шаҳридай азиз ва мўътабар эди.

Гулбадан бегимнинг шаҳодат беришича, Мирзо Комрон ҳижрий 946 (1539) йилда Аграга онҳазратнинг қабрини зиёрат қилгани келган. Жавҳарнинг маълумотларига қараганда, жасад Қобулга ҳижрий 952 (1544) йилдан аввал кўчирилган.

Тепаликка кенг зинапоядан чиқилади. Чап томонда катта тошҳовуз, ўнгда эса Ҳиндистон подшоси Шоҳ Жаҳон 1646 йили қурдирган оқ мармар масжид бор.

Шаҳобиддин Балх, Бадахшонни босиб олгач, ўша йили Қобулда ҳам талай вақт туриб, 40 минг рупия харажат билан шу масжидни қурдирган экан.

Сағана бошига тик ўрнатилган тош лавҳада қуйидаги сатрларни ўқийсиз:

«Подшоҳким, унинг тахтидан нури Аллоҳ сочилур эди,
Улар Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эди.
Улуғвор ва давлатли ва иқболли ва одил ва диндор,
Сипоҳлари тавфиқли ва файзли ва фотиҳ эди.
Олам жисмин қўлга олди ва равшан бўлиб равон бўлди.»

Лавҳадаги энг охирги — «Гуфтам фердавс доим жон Бобуршоҳ» — сатрдан абжад ҳисобида ҳижрий 937 (1530), яъни Бобурнинг вафот йили келиб чиқади.

Мармартошнинг ташқи тарафига бундай деб ёзилган:

«Ҳазрат Фирдавсмакон Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг нурафшон мақбарасига зиёрат вақтида Розий Абул Музаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳки, ҳазрат арши ошён Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ Розийнинг ўғли ниятини бажариб, Жаҳонгирнинг тахтга чиқишига икки йил бўлганда ушбу лавҳани ўрнатмоққа фармон қилди. 1016 ҳижрийга мувофиқдир»

Мақбара шифтига ҳам ёзувлар битилган.

Мақбаранинг икки ёғида кичикроқ сағаналар бор. Булар Ҳиндол, унинг қизи Руқия Султон бегим, Ҳумоюннинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Мирзо, Гавҳарнисо бегимнинг даҳмаларидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида Александр Бернс мақбара ва боғни зиёрат қилгани борган. Уни меҳр билан ўрганган. Мунши Моҳан Лаъл ҳам у билан бирга бўлиб, ўша жойларнинг гўзаллигини, ёдгорлик устунидаги ўймакорлик безакларини ва мақбаранинг пештоқ, устунларидаги сатрларнинг жозибадорлигини қайд этган. Бу икки зиёратчи сайёҳнинг маълумотларига ҳамда Даниэлнинг боғ ва мақбарага чизган суратларига кўра, ўша пайтларда қабрнинг бош томонида ёнма-ён кўш устун бўлган. Жаноб Ҳайден ҳам ХХ асрнинг бошларида боғни зиёрат қилиб, мақбарани суратга олган. Унда устунлардан бири аниқ, иккинчиси ўрнида эса чироқдон жойлашгани тасвирланган. Устунидаги ёзувларнинг мазмуни қуйидагича: «Подшоҳким,, унинг тахтидан нури Аллоҳ сочилур, бу Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эрди. Бузурглик, мустақиллик, саодатмандлик, ҳаққониятлик, очиққўллик ва қавий шон-шавкат билан биргаликда, унда гуллаб-яшнаш, фаровонлик ва ҳарбий ғолибликнинг шон-шуҳрати ҳам мужассам эди. У моддий дунё устидан зафар қозониб, чароғон нур бўлди. Ўзининг ҳар бир зафарига баайни нурга, руҳлар дунёсига қарагандай қарарди. Жаннат эшиги унга очилганида ва Ризвон (жаннат посбони) ул зот борасида мендан сўраганида, шундай жавоб берар эдим: «Жаннат — Бобур подшоҳнинг боқий маконидур».

Қиссадан ҳисса шуки, бугун биз жаҳонни забт этган авлод-аждодларимизни ўзимиз учун янгидан кашф қиляпмиз. Мана шу улуғ сиймолар орасида шоҳ ва шоир Бобур ўзига хос тарихга эга унутилмас сиймолардан биридир. Бобурийлар сулоласи ҳақида қанча кўп изланмайлик, ҳали биз учун бу авлоднинг ўқилмаган саҳифалари яна ва яна топилаверади.

Неъматжон ОТАЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Бобур мукофоти совриндори.

Ғ. ХИДИРОВ олган сурат.

Меҳнатдан қўрқмаса
агарда қўллар,

Олиб ташланади
йўллардан тўсиқ.

Бош узра беминнат
соябон бўлар

Меҳнат билан унган
ниҳоллар ўсиб.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДАН УМИД КАТТА

Якинда Жиззах Олимпия заҳиралари коллежида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг III вилоят босқичи бошланди. Унда Жиззах шаҳри ва вилоятдаги 12 та тумандан мактаб ўқувчилари иштирок этишяпти.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада» спорт мусобақаси ўтказилиб, унда 200 минг, 2001 йилда ўртамахсус ўқув юртлари ўртасидаги «Баркамол авлод» спорт ўйинларида 500 минг талаба қатнашган эди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари иштирокчиларининг сони эса 6,5 миллиондан ортиқдир. Қувончлиси, энди ушбу мусобақа узлуксиз таълимнинг узвий бир қисми сифатида ҳар йили ўтказилади.

Мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари вилоятда оммавий тарзда олиб борилди. 109884 нафар 1-4 синф ўқувчилари спортнинг 5 тури бўйича мактаб, туман, шаҳар биринчиликларида иштирок этишди. Шунингдек, 178756 нафар 5-7 ҳамда 149360 нафар 8-11 синф ўқувчилари спортнинг 10 тури бўйича ўз синфлари ва мактаблари шаънини ҳимоя қилишди. Вилоят босқичида спортнинг 11 тури бўйича жамоалар феврал, март ва апрел ойларида ўзаро баҳслашадилар. Мусобақаларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун Индустриал коллежи, Истиқлол теннис корти, Пахтакор сузиш мактаби, шаҳар марказий стадиони, Олимпия заҳиралари коллежи каби замонавий иншоотлар мажмуидан иборат «Олимпия шаҳарчаси» ташкил этилган.

— «Умид ниҳоллари»дан умидимиз катта, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Мирзабеков. — Чунки у умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи ёшларини спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга, шунингдек, спортнинг олимпия, оммавий, ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантиришга имкон беради.

«Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят босқичи спортнинг баскетбол тури билан бошланди. Жиззах, Пахтакор туманлари ва Жиззах шаҳар терма жамоалари ушбу баҳсларда пешқадамлик қилишмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ойбек номли Термиз Давлат университетида 6 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олади. Чуқур билим олиш учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, талабалар саломатлигини муҳофаза қилиш илм маскани касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат марказидадир. Университет қошида фаолият кўрсатаётган «Ўқитувчи» санаторий-профилакторийсида бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

ТАЛАБАЛАР СИҲАТГОҲИ

— Бу ерда талабалар ўқишдан ажралмаган ҳолда даволаниб, соғликларини тиклайдилар, — дейди ҳамроҳимиз, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Анвар Амирқулов. — Биринчи навбатда кам таъминланган оила фарзандларини, шунингдек, ногирон талабаларни даволаш назарда тутилган.

Айниқса, физиотерапия, уқалаш, парафин-озокерит, нина билан муолажа усуллари билан даволанаётган талабалар ўзларини бардам ҳис қилмоқдалар.

— Талаба 18 кун давомида саломатлигини тиклаб олади, — дейди ҳамшира Дилбар Тўраева. — Даволанаётганлар учун овқатланиш текин бўлиб, 18 фоизи университет, қолган қисми ижтимоий суғурта ҳисобидан қопланади.

Эллик ўринли шифо масканига тажрибали врач Карим Бердиев раҳбарлик қилади. Малакали мутахассислар талабалар атрофида парвона.

Санаторийда талабалар зерикиб қолишмайди. «Маънавият ва маърифат бурчаги»да мустақилликни мадҳ этувчи адабиётлар, телевизор, кундалик матбуот нашрлари мавжуд. Талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Нормамат Юсупов талабаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича тузилган жамоа шартномасининг ҳар бир бандини беками-кўст бажариш устидан кенг қўламда назорат ўрнатишга ҳаракат қилаяпти.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан биргаликда ўтказаётган «Азиз она юртим наволари» миллий эстрада қўшиқлари 1-Республика танлови бошланди.

Она юрт наволари

Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши, шунингдек, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига ўзбек миллий эстрада қўшиқчилигини янада жонлантириш, ёш хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган эди. Ўтказилаётган «Азиз она юртим наволари» республика танлови бу борада амалга оширилаётган ана шундай тадбирлардан биридир.

Эстрада танловининг саралаш босқичлари шу йилнинг 10-20 январ кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Уларда ғолибликни қўлга киритган эстрада гуруҳлари ва яккахон хонандалар якуний танловнинг уч босқичдан иборат беллашувларида ўзаро куч синашиш учун пойтахтда тўпланди.

Танлов шартига кўра, қатнашчилар воҳаларимизга хос ўзбек халқ ашулалари ва мумтоз куйлари асосида яратилиб, қайта ишланган, замонавий ўзбек шоир ва бастакорлари 2000-2002 йилларда миллий руҳда яратган янги асарларни ижро этади. Шунингдек, устоз санъаткор Ботир Зокиров репертуаридан ҳамда жаҳон эстрада санъатининг энг ёрқин ва оммавий қўшиқларидан бирини куйлаш ҳам танлов шартига киритилган. Янги қўшиқлар ҳам ижро этилади. Уларнинг энг яхшилари Наврўз байрами концерт дастурига киритилади.

(ЎзА).

Эшитдингизми, ўқидингизми?

«ПАХТАКОР»ГА ГАП ЙЎҚ

Аслида сарлавҳани «Пахтакор»да нима гап, десак тўғрироқ эди-ю, ноумид шайтон, деганларидек, ҳозир биз айтмоқчи бўлган ўзгаришлар футбол мухлисларининг азалий орзуси — Ўзбекистонда суперклубни кўриш иштиёқига мос тушиб колиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Хуллас, ушбу мавсумда «Пахтакор» деярли янгича қиёфада намоён бўлади. Ўтган йилги таркибдан бир неча футболчигина майдонга тушади: Л.Кошелев, Н.Қуттибоев, А.Солиев, Б.Сейткамолов, А.Власичев, Б.Ашурматов. Қолган ўйинчилар мамлакатимизнинг турли клубларида тўп сурган ёш иқтидорли ўйинчилардан иборат. Масалан, «Академия»да ҳужумчи вазифасини қойилмақом бажариб, мерганлиги-ю, алдамчи ҳаракатлари билан ишқибозлар меҳрини қозонган Зайниддин Тожиев энди «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилади. Худди шунингдек, «Зарафшон»дан Д. Досанов, «Навбаҳор»дан С.Жепаров, «Нефтчи»дан Т.Копадзе каби қатор ўйинчилар ўз маҳоратларини Тошкентда сайқал топтиришади.

Фақат бугина эмас. Шу кунгача кўшни мамлакатларда ўйнаб келган дарвозабон П.Бутенко, ҳимоячи Г.Гочкулиев («Копетдоғ» Туркманистон), В.Жалилов («Актюбинск» Қозоғистон) ҳам «Пахтакор»нинг илгариги шуҳрати тикланишига ўз ҳиссаларини қўшиш ниятидалар.

Мавсумга тайёргарлик босқичларидан бири сифатида Туркияга қилинган сафардан Сергей Бутенко Тошкентга эмас, тўппатўғри Тольяттининг «Лада» клубига равона бўлгач, жиловни яна қўлига олган Виктор Жалиловнинг айтишича, «Пахтакор» нафақат юксак ўринлар учун курашади, балки барча терма жамоаларга муносиб номзодлар тайёрлаб берувчи база сифатида ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Зеро, асосий таркиб ўртача 21 ёшни ташкил этса, ўринбосарлар 16-17 ёш атрофида бўлади.

Кези келганда, мухлислар яна бир саволга жавоб олишни исташади: жуда кўплаб ўйинчилари бошқа жамоаларга ўтиб кетган «Академия»нинг эртанги куни қандай бўлади?

БАЛЛИ, АЛИШЕР!

Кураш

Ўсмирлар ўртасида кураш бўйича жаҳон чемпиони, Олот туманидаги 7-олимпия заҳиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Алишер Курезов айни пайтда мамлакатнинг кучли дзю-дочилари сафидан ўрин олган. Республика терма жамоаси аъзоси.

Яқинда Алишер Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда 90 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан 30 нафар полвонлар баҳсида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақалар пайти у беш бор рақибларини катта устунлик билан мағлуб этди. Алишернинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон гимни янграб, мамлакатимиз байроғи кўтарилди.

Таниқли мураббий Рустам Тўраевнинг истеъдодли шогирди Алишер энди 16 ёшга тўлди. Демак, у ҳали халқаро мусобақаларда истеъдодини кўп бора намойиш этиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонса бўлади.

(ЎзА).

Турмуш чорраҳаларида

БЕВАҚТ ЭСГАН ШАМОЛ...

Сарвихоннинг туғилган куни эди. Беш-ўн чоғли дугоналари, ҳамкасблари унинг уйига тўпланишди. Суҳбат, куй-қўшиқ, мушоира дегандай давра шундай файзли тус олган эдики, асти кўясиз.

Шу пайт эшикдан Сарвихоннинг қўшниси Розия кириб келди. Остонадаёқ шанғиллай бошлади.

— Ие, ие, Сарвихон, нима гап? Тўйми, нима бало. Эшитмабмиз ҳам. Тавба! — у аёллар билан битта-битта кўришаркан, гинахонлик қилди. — Сарвихон шунақалар, пинҳона иш қиладилар. Биз бирон йиғин қилсак борми, элдан олдин карнай чаламиз, ванғиллаб. Ҳамма эшитади.

Сарвихон қизариб, уни ўтиришга таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Войй, мени сўраманг! — у ўрнашиб ўтириб олгач, яна ўша баланд товуш билан ҳасрат қила кетди. — Ҳеч мазам йўқ. Кечаси билан бошим лўқиллаб оғриб, битта ухламадим. Нуқул кўнглим айнийди, овқатни кўрсам...

Сарвихон жимиб қолган меҳмонлардан минг хижолат чекиб, қўшнисининг бефаросатлигидан эзилиб кетди.

— Кечирасизлар! — деди у самимият билан Розия учун узр сўраб. — Розия опа ён қўшним, булар эса... — меҳмонларга ишора қилди, — менинг дугоналарим. Розия опа, мана сиз келдингиз, даврамиз яна қизийди, деб ўйлайман. Қани, Каримахон, қўшиқни давом эттиринг.

Сарвихон чақирилмаган меҳмонга у-бу келтириш учун ошхона томон кетди. Каримахон қўшиқ сатрларини эслаш учун, бир зумга ўйга толди. Жимликни яна Розиянинг йўғон овози бузди.

— Эй, Каримахон, айтинг, ўладиган дунёда айтганингиз қолади. Мана, поччамнинг қизи, ўзиям худди сизга ўхшаган гўзал, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган эди. «Порог сердца» бўлиб ўлди-қолди. Ҳаммамизни куйдириб кетди.

— Неча ёшда эди? — ҳаммалари ваҳима билан Розиянинг оғзига тикилишди.

— Шу институтда ўқирди, — ҳафсала билан ҳикоя қила бошлади, — кечқурун кутубхонадан қайтаётса — учтаси олдидан чиқиб, пул сўрашипти. Пулим йўқ, депти. Кейин зирагига, соатига ёпишишипти. Уйга келгач, юраги ёмон бўлиб ўлди-қолди...

— Войй, шўрим! — боятдан бери бир гапириб, ўн кулиб ўтирган Ойхон оҳ тортиб юборди. — Менинг қизим ҳам бугун кеч қайтадиган эди. Энди нима қиламан-а? — у ўрнидан туриб кийина бошлади.

Ошхона томондан келган Сарви ҳайрон бўлиб қолди.

— Войй, нима гап, тинчликми? Шўрва тайёр. Ошни ҳам зирава қилиб қўйдим. Мана, энди ўтирамиз. Ойхон, йўқ мен сизга жавоб бермайман.

— Иложим йўқ, Сарвихон, мени кечиринг. Болалардан хавотир олаяпман!

Ойхон чала ярим хайрмаъзур қилиб, отилганча чиқиб кетди.

Сарви ҳайрон. Даврадагиларнинг ҳам юзи-кўзида саросима. Каримахонинг қўшиқ айтгулик ҳоли қолмаган.

Сарви даврага янгитдан жон бағишламоқчи бўлди.

— Қани, қизлар магнитофонни қўяйми?

Шўх қўшиқ янгради. Сарви ўйинга тушди. Кейин Барнони тортди ва таом келтириш учун ошхона томон кетди.

Розия ёнида ўтирган Инобатни гапга солди.

— Нечта болангиз бор, айланай?

— Тўртта. Уч ўғил, бир қиз.

— Катта бўлиб қолишгандир?

— Ҳа, мактабда ўқишади. Энг кичигим бу йил биринчи синфга борди.

— Обкемабсиз-да ширинтойни.

— Ҳа, энди, уйда акалари билан ўйнаб ўтиради.

— Йўқ, сиз ёш болани бола билан қолдирманг. Чилонзорда синглимнинг қўшниси боласи учинчи қаватдан йиқилиб ўлиб қолди. Биринчи синфда ўқирди.

— А, нима? — Инобатхоннинг қути учди.

— Балкондан йиқилибди. Шўх-да болалар, балконнинг панжарасига миниб ўйнашипти. Кейин кичиги йиқилиб кетибди.

— Йўғ-е, мениям кичкинам жуда шўх. Сакрагани сакраган. Биз тағин денг тўртинчи қаватда турамиз. Акаларига қулоқ солмаса-я?

Нохуш кайфият бошқаларга ҳам тез таъсир қилади. Барно магнитофонни ўчириб қўйди. Бу орада таом келтирилди.

Инобат бир қошиқ тотинди-ю, ўрнидан турди.

— Узр, Сарвихон, мен кетишим керак.

— Вой, нима бу, ҳамманглар олов олгани келганмисизлар. Ё бирор гап? — Розияга қаради. У эса ҳеч нарса билмагандай иштаҳа билан овқатланар эди.

Инобат кетгач, давра ўз-ўзидан совиб қолгандек эди. Яна жимликни Розия бузди.

— Эшитдингларми? Юнусободда куппа-кундуз куни биттасининг уйига ўғри тушибди. Уйда ўн яшар бола бор экан, тақиллатибди. Бола очибди. Болани ваннахонага қамаб қўйишиб, ҳамма ёқни шипшийдон қилиб кетишибди.

Сарви қараса, бошқаларнинг ҳам авзойи бузилиб, ҳаммаси ўз уйидан хавотир ола бошлаяпти.

— Барнохон, — деди дугонасига, — жуда яхши монологларимиз бор, биронтасини айтиб беринг.

Барно бош чайқади. Унинг ҳам хаёли ўзида эмас, уйида эди.

— Ҳозир... кайфиятим йўқ. Сарвихон, бошқа пайт айтиб бераман. Менга энди жавоб бersангиз.

Барнога эргашиб, бошқалар ҳам ўринларидан туришди. Стол атрофида фақат Розия қолди.

Сарвихоннинг уйидаги бирон йиғин мана шундай совуқ ўтмаган эди. Эҳ, қаердан ҳам шу Розия опага қўшни бўлиб қолди-а? Ҳовли олма, қўшни ол, деганлари шу экан-да!

Сарви нима қилсин? Юрагидаги туғёнларини қўшнисига қандай тушунтирсин? У тушунармикан?

Санъат МАҲМУДОВА.

Раққоса хиром этганда...

Санъат

МОҲИ-СИТОРА АМСТЕРДАМДА

Бухородаги «Моҳи-ситора» этнографик дастаси Амстердамда ўтказилган «Буюк ипак йўли» халқаро фолклор фестивалида, шунингдек, Германия ва Голландия сафарларида бўлиб қайтди.

— Сафаримиз «Оғахон» жамғармаси томонидан ташкил этилди, - деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олияхон Ҳасанова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Афсуски, фестивалда жамоамизнинг барча аъзолари иштирок этолмади. Дастлаб Берлинда катта концерт бердик. Шундан кейин, фолклор санъати фестивалида қатнашдик. Дастуримиздан Бухоро тўй ва маросим қўшиқлари, шунингдек, мавриги, шашмақом усулидаги қўшиқ ва рақслар ўрин олганди. Европалик томошабинлар ўзбек куй-қўшиқларини ниҳоятда ҳаяжон билан кутиб олишди, саҳна гулларга тўлиб кетди.

О.Ҳасанованинг айтишича, фестивалда Эрон, Туркия ва Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

«УНИВЕРСИАДА-2002» ЛОТОРЕЯСИ

Бухоро шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Халқ банкининг вилоят бошқармаси «Универсиада-2002» хайрия пул-буюм лотореясини чиқаришга қарор қилди. Бу ҳақда Молия вазирлигининг тегишли лицензияси олинди. Ҳаммаси бўлиб 500 миллион сўмлик лотерея чиқарилади ва унинг 300 миллион сўмлиги Бухоро вилоятида, қолган қисми эса мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида сотилади.

Омади кулганларга 10 та «Тико» енгил автомашинаси, рангли телевизор ва видеомагнитофон, аудио, видео аппаратуралари, соатлар, спорт либослари, 500 минг, 200 минг, 100 минг сўмлик ютуқлар насиб этади. Шуниси эътиборлики, лотореяни сотишдан тушган фойданинг 90 фоизи «Универсиада-2002» иншоотларини таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари ва замонавий спорт анжомлари сотиб олишга сарфланади.

(ЎзА).

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6